

МУХАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўзининг қисқа, аммо мазмундор умри

ва ижодий фаолияти давомида бой адабий мерос қолдирди. Ватан озодлиги, халқ бахти, юртнинг нурафшон келажagini ёниб куйлаган истеъодли шоирнинг асарлари миллат этирофига сазовор бўлди ва қалблардан чуқур жой олди.

Ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф бугун халқимизнинг юрагида, қалбида яшамоқда. Шоир хотирасига бағишланган тадбирлар ўқув юрларида бўлиб ўтмоқда. 1-мактабда бўлган тадбирда истеъодли ёшлар томонидан кўшиқлар, шеърлар айтилди. Саҳна кўринишлари ижро қилинди. Айтиқса, Зилола Тўлиева, Маржона Ражаб-

боева, Лайло Йўллева, Шахло Йўллева, Шаҳзода Султонмуродова томонидан ўқилган шеър ва ижро қилинган дилбар тараоналар даврага кўтаринки кайфият бахшида қилди.

Тадбирда мактаб директори А. Рамазанов, туман маънавият ва маърифат маркази раҳбари Р. Матюсовлар Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумотлар бериб ўтишди. Тадбирни маҳорат билан тайёрлашда мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шоҳида Айтметованинг хиссаси катта бўлди.

Н. МАТЖОНОВА,
1-мактаб директорининг маънавий ва маърифат масалалар бўйича ўринбосари.

СПОРТ - МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ



Шу йил 8-11 апрел кунлари Наманган вилояти Поп туманида 2006-2007 йилларда турилган ўсирилар ва қизлар ўртасида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада туманимиздан туман болалар ва ўсирилар спорт мактаби белбоғли кураш бўйича тренера Бекбергун Болтаевнинг бир гуруҳ ўқувчилари иштирок этди. 15-мактаб ўқувчиси Муҳаммадшариф Жумабоев 55 кг. вазнда, 1-мактаб ўқувчиси Жавҳарбек Норимонов 42 кг. вазнда фахрли 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритдилар.

Мурод ҚУВВАТОВ.

ФАН ОЛИМПИДАСИНING ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ГОЛИБЛАРИ

2020-2021 ўқув йили "Билимлар беллашуви"нинг вилоят босқичи голиблари бўлган ўқувчиларни ҳамда уларни муносиб тайёрлаган ўқитувчиларни рағбатлантириш учун туман халқ таълими бўлими ва таълим ва фан ходимлари касабга уюشمаси туман бўлимаси кенгаши билан биргаликда тақдирлаш тадбири ўтказилди.

Умумтаълим фанлари бўйича 9-10-11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган олимпиаданинг III вилоят босқичи натижалари бўйича голиблари Янгибозор туманидан иштирок қилган 27-мактаб ўқувчиси Хурнисо Собирова француз тилидан 1-ўринни эгаллаган, ўқитувчиси Муҳаббат Матсапаева. 6-мактаб ўқувчиси Дилроз Юсупова кимфанидан 2-ўринни, ўқитувчиси Элёр Самандаров, 15-мактаб

ўқувчиси Дилшодбек Искандаров рус тили фанидан 2-ўринни, ўқитувчиси Гулнора Абдурахманова, 5-мактаб ўқувчиси Севарабону Бобохонова рус тили ва адабиёти фанидан 2-ўринни, ўқитувчиси Дилором Матмуротова, 10-иختисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Дилмурод Мадаминов география фанидан 3-ўринни, ўқитувчиси Бекзод Халимов, 19-мактаб ўқувчиси Умида Зариббоева тарих фанидан 3-ўринни, ўқитувчиси Феруза Абдиримова, 25-мактаб ўқувчиси Дурдона Кўзибоева француз тили фанидан 3-ўринни, ўқитувчиси Дилбар Элтазаровалар рағбатлантирилди.

С. ИШЧАНОВ,
таълим ва фан ходимлари касабга уюشمаси туман кенгаши раиси.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА БИОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги "Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4805-сон Қарори кимё ва биология фанларини янада ривожлантиришга қаратилган. Тўғри йўлга қўйилган биологик таълим бутун ёш авлоднинг табиатга тўғри муносабатда бўлишига олиб келади, унга нисбатан таъсирчан муҳаббатни тарбиялайди, табиатнинг чиройини идрок этишдан ташқари уни муҳофаза қилиш, асраш, табиат бойликларини ўз қўллари билан яратиш ва кўпайтиришга ўргатади.

Мактабимизда табиий фан ўқитувчилари томонидан қизиқарли тадбирлар, беллашувлар ва намунали очик дарлар ташкил қилинапти. 8-синфда биология фанидан "Ошқозон-ичак касалликлари" мавзусида очик дарс ўтилди. 7-синфлар

ўртасида "Буюк алломалар издошлари" мавзусида беллашув, 8-синфлар ўртасида "Мен шифокор бўламан" мавзусида заковат интеллектуал ўйини ташкил қилинди. Ташкил қилинган тадбирлар, беллашувлар ўқувчиларнинг биология фанига бўлган қизиқишини янада оширапти. Мактаб фойсидида ташкил қилинган "Тирек бурчак" айниқса ўқувчиларда табиатга бўлган муҳаббатини, уларни асраб-авайлаш ҳиссини уйғотди.

Бугунги кунда таълимнинг бош мақсади ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларни табиий фанларга қизиқтириш, бу фанни сифат ва самарадорлигини оширишдаги саъй-ҳаракатлар бунга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Р. ГАЙНУТДИНОВА,
Я. ЮСУПОВА,
6-мактабнинг биология фани ўқитувчилари.

ИМТИҲОНЛАР ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Туман халқ таълими бўлими томонидан 2020-2021 ўқув йили якуни бўйича босқичли ва якуний назорат имтиҳонларини ташкил қилиш юзасидан семинар ташкил қилинди. Семинарда мактабларнинг ўқув ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди. Халқ таълими вазириликнинг 2021 йил 5 мартдаги 55-буйруғи асосида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўтказилган имтиҳонларни 2008 йил 20 мартда чиққан адлия вазирилик томонидан 1778-рақам билан рўйхатдан ўтган низом асосида ташкил қилиш, адолатли ва шафдоқ қилиб ўтказиш топширилди. Ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлар ўзларининг саволларига жавоб олдилар.

Имтиҳонларда мажбурий фанлардан ташқари танланган фанларни ўқувчилар ихтиёри билан танланиши ва фанлардан имтиҳон олди тайёргарлик жараёнларининг бошланиши юзасидан тавсиялар берилди.

Р. НУРУЛЛАЕВА,
туман халқ таълими бўлими умумтаълим мактаблари мутахассиси.

Э Ё Л О Н Л А Р

Салаева Дилфуза Раҳманбергнатовнага 2004 йил 10-мактабни тугатганлик тўғрисида берилган О'РА № 1532738 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳакимова Сапоргул Рустам қизига 2012 йилда Янгибозор туманидаги 15-мактабни тамомлаганлик тўғрисида берилган таянч маълумот тўғрисидаги тартиб рақами 75 бўлган № 5704670 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳакимова Сапоргул Рустам қизига 2015 йилда Янгибозор иқтисодийёт коллежини молия йўналиши бўйича тамомлаганлик тўғрисида берилган № К 3962051 рақамли, тартиб рақами № 9 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MUASSIS: YANGIBOZOR TUMAN HOKIMLIGI

MUHARRIR: O'razmat YAXSHIMURODOV.

M A N Z I L I M I Z : 221200. Xorazm viloyati, Yangibozor shaharchasi,

Gazeta tahririyat kompyuterida terildil va operator Nurullo YAXSHIMURATOV tomonidan sahifalandi.

Gazeta «Tezkor matbaa» MCHJda o'zbek usulida 790 nusxada chop etiladi. Bosma-kompyuter dizayni: Urganch shahri. Amir Temur k'chasi, 145-uy. Tel.229-35-55

Buyurtma: 735.

Sotuvda erkin narxda.

Gazeta 2011 yil 7 sentabrda 13-007 raqami bilan davlat ro'yxatiga olingan. Qo'g'oz bichimi: A-3. Hajmi-1 bosma qo'g'oz.

ISSN 2010-7684

WWW. YANGIBOZORKUZGUSI.UZ

BOSISHGA TOPSHIRISH VAQTI-10:00 BOSISHGA TOPSHIRILDI-10:00

Tezkor Matbaa CMYK

ЯНГИБОЗОР КЎЗГУСИ

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!

МУАССИС: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Газета 1953 йил июл ойидан чиқа бошлаган * E-mail: yangibozkuzgusi@inbox.uz. * 2021 йил 22 апрел, пайшанба * № 9 (1563)

Янгибозор тумани ҳокими Ҳ. Қурбанов халқ депутатлари туман Кенгаши вакиллари ҳамда тадбиркорларга мурожаат йўллади

Туман ҳоқимлиги мажлислар залида ўтказилган тадбирда туман ҳоқими Ҳ. Қурбанов ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга ошириладиган ишлар бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши вакиллари ҳамда тадбиркорларга мурожаат қилди. Мурожаатда асосий эътибор давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 8 апрел куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида топширилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди. (Мурожаат газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда).

ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ Фойдаланишга топирилди



"Қиёт" маҳалласида 26-сон мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топирилди. Тадбирнинг очилиш маросимида туман ҳоқими Ҳатмат Қурбанов, сектор раҳбарлари, фахрийлар, маҳалла фаоллари, мактабгача таълим ташкилотлари мудирлари қатнашди. 90 ўринга мўлжалланган мазкур мактабгача таълим ташкилоти замонавий давлат талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, тарбияланувчиларнинг сифатли таълим тарбия олишлари учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган. Ушбу тарбия масканида 15 нафар фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланди.

КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТLANADI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги "Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида"ги ПФ-6195-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра жорий йилнинг 1 апрелидан "Саховат" интернат уйлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-ҳаражатлари учун камиди тўланадиган ойлик пенсия миқдори 10 фоиздан 20 фоизгача оширилди, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида 1 нафардан кутубхоначи штат бирлиги жорий этилади. Жорий йилнинг май ойидан "Саховат" интернат уйлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидеги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда белул соғломлаштириш ташкил этилади.

Р. АВАЗОВ,
бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи.

Наврўз маҳалласида "Янгибозор биллур текстил" кооперацияси ташкил қилинди. Бу ерда" Аёллар дафтари"га қиритилган 62 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касабга уюш-

Туман янгиликлари
"Янгибозор биллур текстил" кооперацияси ташкил қилинди
маси Республика Кенгаши раиси Қутлимурод Сабиоров, вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Қ. Игамберганов, Савдо саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи М. Ваисов, туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Қ. Игамберганов, фаолияти билан танишди.

Ёшлар отрядлари иш бошлади

Ёшлар ишлари агентлиги Янгибозор туман бўлими томонидан "Ёшлар отрядлари" ташкил қилинди. Баҳорнинг иссиқ кунларида отряд аъзолари «Ҳайват» маҳалласидаги ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар уйларининг ташқи фасад қисмларини таъмирлашда, уй атропофларини

ободонлаштиришда амалий кўмак беришди. Кўнгилли ёшлардан иборат ушбу отряд аъзолари ўз истаклари билан ана шундай савоб ишга бел боғладилар. **Янгибозор туман ҳоқимлиги матбуот хизмати.**

ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ Фойдаланайлик

"Минг Боголон" маҳалласида яшовчи Жумагул Жумонова хонадонидида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан биргаликда "Томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш тўғриси"да семинар ўтказилди. Семинарда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари, сектор раҳбари ўринбосарлари, томорқа хизмат корхоналари ва тегшли ташкилотлар ҳамда маҳалла аҳолиси қатнашди. Ушбу семинарда эрта баҳорги экинларни ўз вақтида экишни ташкил қилиш ҳамда янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ҳамда "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисида маҳалла раислари ва аҳолига тушунтиришлар берилди. Семинарда маҳалла раисларига ҳам томорқаларнинг экилиши бўйича бир



қатор кўрсатмалар берилди. Тадбирда "Янгибозор томорқа хизмат" МЧЖ томонидан томорқаларни экиш ва парварилаш бўйича техника, уруғлик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар берилди. Бундай семинарлар бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил қилинди.

КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ - ХАВФЛИ ҲАШОРАТ

Калифорния қалқондорининг ватани Хитой ва Узоқ Шарқ. Шу ердан АҚШнинг Калифорния штатига тарқалган. Ҳозирда ер узининг деярли барча жойида қайид қилинган. 270 дан ортиқ мевали дарахтлар, резавор мева, буталар ва манзарали ўсимликларга зарар етказди. Калифорния қалқондори кўпайиб кетганда дарахт пўстлоғи узунасига ёрилиб, шохларни ва бутун дарахтларни қуритиб қўяди, мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Мевали дарахтнинг шоҳ, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва меваларини зарарлайди. Натижада дарахтлар кам ҳосил беради, ёш дарахтлар қуриб қолади. Қалқони юмалоқ, анчагина япаоқ, оч жигар ранг, кул ранг тусда бўлиб, катталиги 1-1,5 мм.дан 2 мм.гача. Ёш личинкаси озиқлана бошлаганда оқимтир шира чиқаради, бу шира кейинчалик қалқонга айланади. Биринчи ёш личинкалари шоҳ ва новдалардаги қалқон остидида қишлайди. Баҳорда, дарахт куртаклари бўрта бошлаганда озиқланишни бошлайди ва пўст ташлаб, жинсий етук ургочи ва эркак зотларга айланади. Турилган "дайди" личинкалар қалқон остидан чиққандан сўнг бир неча соат давомида дарахт бўйлаб тарқалиб, пўстлоқ ва меваларга ёпишган

ҳолда ўзига қалқон ясаб бошлайди. Озиқланиши давомида пўст ташлаб иккинчи ёшга ўтган личинкалар жинсий етук ургочи ва эркак зотларга айланади ва 2-авлод "дайди" личинкалари пайдо бўлади. Эрта баҳорда кесилган шоҳ ва новдаларни ёқиб, дарахтлар танасини тозалаб, ёски пўстлоқларни ёқиб, дарахт танасини оқлаш, боғларни ёшарттириш зарур. Масвум вақтида тухумдан чиққан қалқондорлар сонини билиш учун диаметри 3-5 см бўлган шохларга ёпишқоқ тарифини тепага қилган ҳолда маҳкам қилиб скотч (ёпишқоқ тасма) боғланади. Ҳар ҳафтада янги скотчга алмаштирилади. Ҳар бир жойда скотчга ёпишиб қолган қалқондорларни санаб, ёш қалқондорларни қачон кўпайишини аниқлаш мумкин. Скотчдаги қалқондорлар сонига қараб пестицид билан ишлов ўтказиш белгиланади. Кимёвий ишловлар қалқондорларнинг биринчи ёш личинкалари кўпайган даврда сепилади. Куртаклар бўрттиш вақтида ёлғи воситаларни қишлаётган зараркундаларга қарши пуркаш энг самарали ҳисобланади. **У. ДАВЛЕТОВ,**
О. ОТАЖОНОВ,
вилоят ўсимликлар карантин инспекция инспекторлари.

Янгибозор туманида тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга ошириладиган ишлар юзасидан халқ депутатлари кенгаши ҳамда тадбиркорларга туман ҳокими Ў. Қурбоновнинг **МУРОЖААТИ**

Давлатимиз раҳбири раислигида жорий йилнинг 8 апрел куни танқидий ўтказилган видеоселектор йиғилишида тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш юзасидан берилган топириқларга асосан барча соҳаларда 30 фоизга ўсишни таъминлашни мақсад қилиб олдик.

Кейинги йилларда ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Шунингдек, иқтисодийэтни ривожлантиришга халақит бераётган чекловлар бекор қилинди. Айниқса, пандемия даврида тадбиркорлик соҳасига жуда катта имтиёз ва преференциалар берилди.

Туманда жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига 1590 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 997 та кичик бизнес субъектлари ва 445 та якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур субъектларнинг 1018 таси ёки 64,0 фоиизи охирги 3 йилда ташкил этилган.

Жорий йилнинг 1-чорагида 143 та янги субъектлар ташкил этилди, шундан, 45 таси кичик бизнес субъектлари ҳамда 98 таси якка тартибдаги тадбиркорлар.

II чоракда 142 та (шундан, 85 та кичик бизнес субъектлари ва 57 та ЯТТ)янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бугунги кунда 7 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмаппти. Шундан 3 таси I йилдан, 2 таси 2 йилдан, 2 таси 3 йилдан буён фаолият кўрсатмасдан келмоқда. I апрел ҳолатига 36 та тадбиркорлик субъектлари фаолияти тикланди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда 30,2 фоизини, қурилиш ишларида 91,8 фоизини, хизматлар соҳасида 65,1 фоизини ва киритилган инвестициялар ҳажмида 75,0 фоизини ташкил қилади.

Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари роли жуда катта. Лекин бу масалани ҳали айрим маҳаллалар ва ташкилотлар раҳбарлари тўлиқ тушуниб етганлари йўқ, натижада туманимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган макрониқтисодий кўрсаткичлар анча пастлигича қолмоқда.

Жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми вилоят бўйича аҳоли жон бошига 1 млн. 295 минг сўмни ташкил қилган бир пайтда ушбу кўрсаткич туманда I млн. 56 минг сўмни ташкил қилади. Шунингдек, истемол товарлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига вилоятда 713,0 минг сўмни ташкил қилган бир пайтда туманимизда 220,3 минг сўмни ташкил қилиб, вилоят кўрсаткичидан 3 баробар кам.

Шунингдек, ҳисобот даврида хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига вилоят бўйича 995,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич туманимизда 661 минг сўмни ташкил қилади.

Чакана савдо айланмаси вилоят бўйича аҳоли жон бошига 978,9 минг сўмни ташкил этган бир пайтда, ушбу кўрсаткич туманимизда 482,3 минг сўм бўлиб, вилоят кўрсаткичидан 2 баробар кам.

Шу билан биргаликда вилоят ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил қилганда Янгибозор тумани 2020 йил якуни билан 100 баллдан 87,6 балл тўплаб, вилоятда 1-ўринни эгаллаб, "ашил тонфа"га киритилди. Хусусан, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси учун белгиланган 50 баллдан 27,13 балл (54,3 фои%) жамгарган ва 13 та ҳудуд орасида 8-ўринни, тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари бўйича 25 баллдан жами 19,44 балл тўплаб 8-ўринни,

аҳоли ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари бўйича 25 балллик кўрсаткичдан 24,33 балл тўплаб 2-ўрин эгалланган.

Хукуматимиз томонидан тадбиркорларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, самарали фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб қўйилган.

Аввало, жойларда Бош вазир қабулхоналарининг ташкил этилиб фаолият олиб бораётгани, ушбу имконият натижасида тадбиркорларнинг ҳар бир муаммоси ижобий ечим топаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Жумладан, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига жорий йил январ-март ойларида тадбиркорлар томонидан 49 та мурожаатлар келиб тушган.

Ижро учун тақсимланган 49 та масалалардан 48 таси (98,0%) кўриб чиқилган. Шундан, 36 таси (75,0%) қаноатлантирилган, 12 тасига (25,0%) тушунтириш берилди.

Асосий муаммолар кредит олиш (18 та ёки 36,7 фои%), ер ажратиш (6 та ёки 12,2 фои%), рухсатнома ва лицензия олиш (3 та ёки 6,1 фои%), инфратузилма тармоқларига (газ, электр, сув) уланishi (4 та ёки 8,2 фои%), солиқ (1 та ёки 2,0 фои%) ва қолган 17 та бошқа масалаларига тааллуқли.

“Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун бўш ер майдонларини сотилиши жараёни бўйича кадастр корхоналари томонидан “Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизимига 139 та (жорий йил 1-чорагида 139 та) бўш ер участкаси 12,92 гектар ер майдони тақдим этилган, шундан аукцион савдоларига чиқарилганлари 97 та бўш ер участкаси 5,21 гектар ер майдони бўлиб, бугунги кундаги тизимга жойлаштириш ҳолати 71,3 фоизини ташкил қилди.

Янгибозор туман бюджетининг 2021 йил 1-чораги давомида контингент режаси 6.1 млрд. сўм, маҳаллий бюджет режаси 5,5 млрд. сўм бўлиб, ҳақиқатда контингент 7,0 млрд.сўм (115,0%), маҳаллий бюджет 6,5 млрд. сўм (117,0%) га бажарилди.

Янгибозор туманига 2021 йил учун бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичи 24,9 млрд. сўмга белгиланган бўлиб, йиллик прогноз кўрсаткич 4,5 млрд. сўмга қўшимча ундириллиши ва жами йил давомида 29,4 млрд. сўм ундирилиши таъминланади.

Хусусан, жорий йилнинг 1-чораги учун 5,5 млрд. сўмга белгиланган прогноз кўрсаткич 7,0 млрд. сўмга ёки 117,0 фоизга бажарилиб, прогнозга нисбатан 1,6 млрд. сўм қўшимча маблағ жалб қилинди. Чорак якуни билан маҳаллий бюджет ихтиёрида 900 млн. сўм қолдирилди.

Шунинг билан бирга айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ноқонуний, хуфиёна фаолият юритиш ҳолатлари ҳалигача учраб турибди. Натижада, уларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари қўрилмоқда.

Жумладан, ноқонуний фаолиятни амалга оширилганлиги натижасида туманимизда катта миқдордаги товар айланмасига эга бўлган 3 та корхонага нисбатан жиноий иш очилиб, солиқ текшируви ва ҳисоб таҳлиллари натижасида уларга нисбатан 25,3 млн. сўм бюджетга қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисобланган.

37 та корхонада ўтказилган текширишларда 1,1 млрд. сўм солиқни яшириб келаётгани аниқланиб, бюджетга қўшимча ҳисобланиб қайта ҳисоботлари олинди.

Туманимизда ҳеч қандай ҳужжатсиз тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган 6 та ноқонуний тадбиркорлик субъектлари аниқланиб, уларга нисбатан 6,0 млн. сўм қўшимча молиявий жарима ҳисобланди.

Туман иқтисодиётини янада ривожлантириш бўйича ҳали ишлатилмаган имкониятлар мавжуд. Ҳозирда енгил саноат соҳасида ип-калава, ипак толаси ва ипак газламаларининг жаҳон бозорларида юқори нархларда баҳоланаётганлигини инобатга олиб, туманда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 8 апрел куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши топириқларидан келиб чиқиб, тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича тадбиркорлик соҳасида қуйидаги имтиёзлар берилиши:

Жумладан, бир ой муддатда, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларининг бошланғич нархини 50 фоизгача чегирма билан сотувга қўйиш ваколатини маҳаллий кенгашларга бериш тартиби ишлаб чиқилиши;

- бир ой муддатда енгил конструкцияли кўчма савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш, уларни аукцион орқали жойлаштириш тартиби ишлаб чиқилиши;

- бир ой муддатда кўп қаватли уйларнинг ертўласини хатловдан ўтказиб, тикувчилик, маиший техника, пойабзал таъмирлаш ва компьютер хизматлари каби фаолият турлари учун ажратиб бериш ишларини амалга ошириш ва ертўлалардан фойдаланишдаги чекловларни қисқартириш бўйича қарор қабул қилиниши;

- бир ой муддатда унумдорлиги паст бўлган ва фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларида лойиҳа асосида кичик саноат зоналари ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши;

- икки ҳафта муддатда компенсация бериладиган кредитлар фоиизи миқдори Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан 1,75 бараваригача (21 фоиздан 24 фоизгача) оширилиши;

- бир ой муддатда уч йил давомида солиқларни ўз вақтида тўлаган интизоми тадбиркорларга солиқларнинг 50 фоизини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш тартиби ишлаб чиқилиши;

- бир ой муддатда экспорт бўйича чет элдан валютаси ўз вақтида келиб тушмаганиги учун жарима миқдорини 2 бараварга қисқартириш таклифи ишлаб чиқилиши;

- бир ой муддатда мажбурий ижро бўйича ундириладиган қарздорликни бюджет ва тадбиркорлар фойдасига тенг тақсимлаш тартиби ишлаб чиқилиши назарда тутилмоқда.

Тадбиркорларга берилаётган бундай имтиёзлар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга имконият яратади.

Бунинг учун ҳар бир раҳбар ходим пастга тушган ҳолда, ишни қатъий тартиб-интизом, масъулият, ташаббускорлик ва фидойилик билан самарали ташкил қилишимиз зарур бўлади.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Сизлардан ноқонуний, хуфиёна фаолият юритиш ҳолатларига йўл қўймасликни, туманда бугунги кунда ишсиз деб ҳисобланган 4100 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, йил якуни билан ишсизлик даражасини кескин камайтириш мақсадида, ишчиларингизни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, кўрсатилаётган савдо ва маиший хизматлар ҳажмлари ҳисоботларини қонунда белгиланган тартибда акс эттиришингизни сўрайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизни кириб келган муҳаддас Рамазон оий билан муборакбод этаман.

Рамазон ўғитлари **САБР ВА ШУКРНИНГ ФАЗИЛАТИ**

Қуръони каримнинг юзга яқин ояти карималарида мўмин-муслмонларни сабр қилишга чақирилган. Жумладан, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган: "Эй, имон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ ўйлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан кўрkingиз, зора (охиратда) нажот топсангиз!" (Оли Иморн сураси, 200-оят).

Маълумки, барчамиз бир канча вақтдан бери бошимизга келган пандемия касаллиги тезроқ кўтарилсаю, яна масжидларимиз очилиб, беш вақт ва жума намозларини жамоат билан адо қилсак деган умидда эдик. Алҳамдулиллоҳ орзуларимизга эришиб, жума намозини ҳам адо қилиш бахтига муяссар бўлиб турибмиз. Бу ҳам бўлса, карантин қонун-қондаларига сабр билан амал қилиб, соҳа мутахассисларининг сўзларига қулоқ солганимизнинг бир натижаси десак муболаға қилмаган бўламиз.

Азизлар! Бу дунёда бандага етган мусибат Аллоҳ таолонинг бандасига яхшиликни раво кўриши ҳисобланади. Бу ҳақда Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Қайси бир бандага Аллоҳ таоло яхшиликни раво кўрса, унга шу дунёнинг ўзида жазо беради. Емонликни раво кўрса, тўлиқ жазосини бериш учун гуноҳини қиёматга қолдиради” (Имом Термизий ривоятлари). Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир қанча оятларида шукр қилувчиларни мадҳ қилган. Жумладан, Бақара сурасида шундай марҳамат қилди: "Эй, имон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукр қилингиз!" (Бақара сураси, 172-оят).

Саид ибн Жубайр разияллоху анхудан

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУКАММАЛ КАДАСТР ХАРИТАСИ ЯРАТИЛАДИ	
<i>Статистика</i>	
Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демо-график, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараё-нидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланиш-нинг прогноз кўрсаткич-ларини ҳисоблаш учун ишончли педөвор яратади. Аҳоли миграцияси тўғри-сидаги маълумотлар шакллантирилади.	
Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу ҳудуд-ларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала.	
Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни бел-гилаб олиш билан тегиш-ли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларни қуриш	

МИБ туман бўлимида **ҚАРЗДОР ОТА ФАРЗАНДИ УЧУН 10 МИЛЛИОН СЎМ АЛИМЕНТ ПУЛЛАРИНИ ТўЛАДИ**

Бугунги кунда МИБ органилари қондондан алимент тўловлари бўйича қарздорларнинг масъулиятини ошириш борасида тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу эса самара бермоқда.
Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2019 йил 20 декабрдаги қарорига асосан қарздор Ю.А.дан ундирувчи Х.С.нинг фойдасига 1 нафар фарзанди учун алимент ундириш тадбирлари самара бериб, қарздор ота

ривоят қилинади, у киши шундай деганлар “Банда-ларнинг Аллоҳ таолога севимлироғи шукрли ва сабрли бандадир - мусибат келса, сабр қилади, неъмат берилса, шукр қилади” (Имом Аҳмад ва Имом Табарий ривоятлари).

Шукрнинг фазилатларидан яна бири шуки, инсон шукр қилса, ризқи яна зиёдалашади. Бу ҳақда ҳазрати Али разияллоху анху шундай деганлар “Неъмат шукрга, шукр эса зиёдаликка боғлангандир. Модомики банда шукр қилишда давом этар экан, Аллоҳ таоло ҳам зиёда қилишда бардавом бўлади” (Имом Байҳақий ривоятлари).

Азизлар! Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида ҳикмат борлиги учун ҳам бу синовли кунларда барчамизга ибратлар бор. Өзми-кўпми камчиликларимизни билдик, хато-нуқсонларимизга тавба қилдик, синовли кунларга сабр қилишни ўргандик ва ҳоказолар.

Ортимиз равнақи ва барчамиз икки дунё саодатига эришишимиз учун бундан кейин ҳам ибодатларда янада мустаҳкам бўлиб, ҳалол-покиза ва тақводорлик билан ҳаёт кечиришимиз, барчамиз ўз касб ва фаолиятимизга масъулият билан ёндашишимиз айна муддао бўлади. Зеро, Муоз ибн Жабал разияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: “Қерда бўлсанг ҳам, тавқо қилгин, агар бирорта гуноҳ қилсанг албатта, унинг кетидан бирор савобли ишни қилгинки, қилган гуноҳингни ўчириб юборсин, инсонларга чирройли ҳуққ билан муомала қилгин” (Имом Термизий ривоятлари).

Аллоҳ таоло барчамизни сабр-бардошли ва борига шукр қилувчи бандалардан қилсин. Ўзи ваъда қилгандай сабримиз эвазига улкан ажр-мукофотларини ато этсин!

Х. ОДАМБОВ,
туман бош имом хатиби.

Ўт ўчирувчи оғоҳлантиради

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Кундалик ҳаётимизни газ ва электр энергиясизасиз тасаввур қилиш қийин. Айрим ҳолларда ушбу оғиримизни енгил қиладиган газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш кўнгилсиз ҳодисаларга, катта моддий бойликларнинг йўқотилишига ва баъзида эса инсонларнинг тан жароҳати олиши ёки ҳалок бўлишига сабаб бўлади.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмаслигининг олдини олиш учун газ ва электр мосламаларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишимиз лозим. Носоз ва қўлбола электр асбобларидан фойдаланишга керак. Электр асбоб-анжомларидан фойдаланиб бўлгандан сўнг уларни электр манбаидан ажратishни унутмаслик, яшаш уй хоналарида газ ҳиди чиқаётгани сезилса чироқ ва бошқа электр асбоблари, аланга ва учқун берувчи мосламалардан фойдаланмаса фуқароларнинг ҳаётини ва бойликларини ёнғин хавфидан сақлаган бўлар эдик. Электр асбобларидан фойдаланишда электр сим ва кабелларнинг қизиб кетиш ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Ёқиб қўйилган электр иситгич асбоблари, газ плиталарини, ёш болаларни қаровсиз қолдишга ва гугурт ҳамда олов билан ўйнаши ёки фойдаланишга йўл қўйманг. Газ плитаси ва иситиш пеллари устида қийин-кечакларни қуритманг. Тунда уйқуга кетишдан олдин хонадондаги иситиш қозонига уланган газ босимини псайтиришни, уйдан чиқиб кетишда эса газ плитаси, электр жиҳозларининг ўчирилганлигини яна бир бор кўздан кечиришни унутманг. Оддийгина кўринган ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилсак, эътиборли бўлсак ўзимиз ва ўзгалар ҳаётини ёнғинлардан асраган бўламиз.

А. АЛЛЯРОВ,
туман фавқулодда вазиятлар бўлимининг бўлим бошлиғи, катта лейтенант.

Диққат танлов!

Янгибозор туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари ажратиш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий комиссияси туман ҳокими заҳирасида турган ер майдонларини фермер хўжалигига ижарага олиш бўйича қуйидаги участкаларга танлов эълон қилади

Сабзавот-полизчилик йўналиши бўйича 1-участка. Ширинқўнғирот қишлоғи. № 637к, 638, 639 контурларида жойлашган умумий ер майдони 12,4 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 11,9 гектар.

Чорвачилик йўналиши бўйича 2-участка. Жайхун ҳудуди УМФдан. № 268к, 269, 270, 272, 272к, 273, 274, 275, 276 контурларида жойлашган умумий ер майдони 25,6 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 22,3 гектар. 3-участка. Жайхун ҳудуди. № 72, 73, 74 гектурларида жойлашган умумий ер майдони 23,0 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 21,0 гектар. 4-участка. Жайхун ҳудуди. № 75. 76 контурларида жойлашган умумий ер майдони 9,9 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 8,7 гектар. 5-участка. Боголон ҳудуди. № 462, 464, 465, 467, 468 контурларида жойлашган умумий ер майдони 21,7 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 19,8 гектар.

Эчкичилик йўналиши бўйича 6-участка. Жайхун ҳудуди УМФдан. № 277, 278, 279 контурларида жойлашган умумий ер майдони 14,7 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 14,0 гектар.

Шоличилик йўналиши бўйича 7-участка. Жайхун ҳудуди. № 578, 579, 580, 583, 584 контурларида жойлашган умумий ер майдони 31,3 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 29,3 гектар.

Шоли уруғчилиги йўналиши бўйича 8-участка. Жайхун ҳудуди. № 61к, 62, 63к, 64, 65 контурларида жойлашган умумий ер майдони 30,4 гектар, шундан суғориладиган экан ер майдони 25,6 гектар.

Танловга аризалар 2021 йил 30 апрелгача қишлоқ хўжалиги бўлимида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 41-94-277, 41-94-037.